

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 213 (7. 002)

1989 йил 18 сентябрь, душанба

Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

15 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов раислигида аҳоли талаб-эhtiёжларини қондириш борасидаги кечкиртиб бўлмайдиган вазифаларни қўриб чиқиш ва амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

Тошкент мотор заводини социал-иқтисодий ривожлантириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Кент ва амалий фикрлашув чоғида заводни ривожлантиришни жадаллаштириш борасида шовишлич тadbирлар қабул қилиниши зарурлиги таъкидланди. Сановат корхоналари коллективларининг боғдор-

чилик-узумчилик ширкатларига аъзо бўлишлари учун уларни ер участкалари билан таъминлаш борасидаги асосли дaдиллари қараб чиқилди. Тошкент шаҳар ижроия комитетига Тошкент ва Сирдарё област ижроия комитетлари билан биргаликда мазкур масалаларни ҳал этиш ва бу ҳақда комиссияни хабардор қилиш таклиф этилди.

Мажлисида шу нарса таъкидландики, республика раҳбарлигининг ягона сиёсий куялар ўтказиш чоғида меҳнаткашлар билан бўлган учрашувларида, партия ва совет органларига келадиган кўндал-кўн хатларда совун, кир ювиш воситалари, шу-

нингдек қанд-шакar етишмаётганлиги масалалари ўртага қўйилмоқда. Шундан кeлган чиққан ҳолда комиссия ўзининг навбатдаги мажлисларида Тошкент шаҳрида гушт маҳсулотлари, қанд-шакar, совун ва бошқа кир ювиш воситаларини тақсимлаш масалаларини муҳокама этишга қарор қилди. Республиканинг бир қанча регионларидаги аҳвол билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинади, аҳоли талаб-эhtiёжларини қондиришнинг кейинги бўлмайдиган вазифаларини қўриб чиқиш ва амалга ошириш бўйича област комиссияларидан бирининг ҳисоботи тингланади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Бир қанча район газеталари нашрини тиклаш, айрим маҳаллий ва кўп тиражли нашрларнинг номларини, ҳажминин, даврийлигини ва бошқа тилларда чиқарилишини қайта йўлга қўйиш тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

Тошкент област ва шаҳар партия комитетларининг, шунингдек Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг қуйидаги таклифлари:

— Тошкент трактор заводида «Тракторостроитель», «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Фрунзе» Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ударник», «Срелазнаб» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Вазелетрификация», «Миконд» заводининг «Спутник» кўп тиражли газеталарини рус ва ўзбек тилида нашр этиш тўғрисидаги

— В. И. Ленин номи Тошкент давлат университетининг «Ташкентский университет» ва Алишер Навоий номи Самарқанд давлат университетининг «Самарқанд университет» кўп тиражли газеталарининг ҳажмининг 4 саҳифагача кўпайтириш, «Ташкентский университет» газетасининг тиражини 5 минг нусхага кeтказиш тўғрисидаги;

— «Алгоритм» заводида ўзбек тилида чиқадиغان кўп тиражли «Алгоритм» ва Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Қизил байроқ» кўп тиражли газеталарини «Правда» газетаси ярим форматининг 4

саҳифаси ҳажмида, ойига икки марта — Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус куяриш ишлари министрлигига қарашли 93-иқтисодий тиртилган трестнинг рус тилида чиқадиغان «Правда» газетаси ярим форматининг икки саҳифаси ҳажмида, ойига тўрт марта, қорхоналарга акратилган қорғоз фондлари доирасида икки минг нусхада чиқариш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигига Ўзбекистон ССР газета ва журналлари рўйхатига тегишли ўзгартишлар киритиш, зарур бўлган жойларда мазкур қарор билан киритилган ўзгартишларни ҳисобга олиб, кўшимча обуна ўтказиш тўғрисида аҳолини хабардор қилиш ва обуна йўлга қўйиш вазифаси топширилди.

Област партия комитетлари, област ижроия комитетлари ва Ўзбекистон ССР Нарзиёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети газеталар редакцияларини билмидом журналистлар билан таъминлашлари, газеталарга обуна ташкил этишлари, журналистлар ва матбаачиларнинг социал-турмуш шароитларини яхшилашлари зарур.

ОБЛАСТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ТОШКЕНТ, 16 сентябрь. (ЎзТАГ). Тошкент област партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитетининг Тошкент област партия ташкилотининг партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишдаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди. Област партия комитетининг иккинчи секре-

тари Р. А. Попов доклад қилди. Пленумда ташкилий масала қўриб чиқилди. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фазилбеков област партия комитети бюросининг аъзоси этиб сайланди.

Пленум ишида Тошкент област партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов ишларни этди.

Тонгги газеталарда

○ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев 13 сентябрь куни КПСС Марказий Комитетда Литва ССР, Латвия ССР ва Эстония ССР раҳбарлари билан учрашди. Учрашув ҳақидаги батафсил хисобот кеча республика газеталарида эълон қилинди.

○ 15 сентябрь куни бўлган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология комиссиясининг мажлиси ҳақидаги хабар ҳам берилган. Мазкур мажлисида кадрлар резерви билан ишлашни йўлга қўйишга оид масала, шунингдек бошқа масалалар қўриб чиқилди.

○ «Сессия арафасидаги ҳафта» — «Правда» газетасининг бугун биринчи саҳифасида берилган сиёсий кундалиги ана шундай деб номланади.

○ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, меҳнаткашларнинг раҳиятига йўлланган мақбурлари, чет эллардан олинган телеграммалар эълон қилинган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Маҳсулот тури кўпаймоқда

○ «ТОШКЕНТ трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури ортмоқда. Бу буюмлар орасида таъин-бурлиш қурilmаси бўлиб, ундан кишлоқ ҳўжалик техникасини ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Олдинлари машиналар учун кўплаб узеллар мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан кооперация йўли билан олинарди. Энди бунга барҳам берилди.

Икки миллион сўм ажратилди

○ «ЎЗБЕКИСТОН» табиий ва сунъий қўи ишлаб чиқариш бирлашмасида қарусул тилидаги тақомиллашган «Нангара» қурилиши ишга туширилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бу электорн қурилишда пoйабзал сановати учун, автомашина усулда полиуретан пошналар қўйлади. Унинг қуввати йилга 750 минг жуфт юкори сифатли буюм ишлаб чиқаришдан иборат. Шунингдек, бу маҳсулот Закавказье, Болтиқбўи ва Сибирь корхоналарига ҳам кооперация бўйича юборилади.

Корхонада бундай узлуксиз ишлайдиган агрегатлардан кейинги йилларда бир нечтаси ишга туширилади. Ўн иккинчи беш йилликда бирлашмада ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва техникани янгилашга икки миллион сўмликдан орттиқ маблаг сарфлаш мўлжалланган.

Мусобақа шарофати

○ ШИМОЛИ-ШАРҚ массивидаги трамвай депосида трамвайларнинг мунтазам ҳаракатини таъминлаш, ремонт сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида цех, бригада ва маршрутларда социалистик мусобақа кeнг йўлга қўйилган. Бу ўринда 3. Полина етакчилигидаги 6, 13, 22-маршрут ҳайдовчилари пешқадамлигини қўлдан бермаптилар. Ўз қабсининг моҳир усталари Р. Умаров, В. Тан, В. Архипова, З. Калимулина, Т. Жабборовлар кўсини «Авариясиз 500.000» фахрий нишони беэаб туртибди. Иттифода ягона ҳисобланган бу транспорт корхонаси коллективининг мақсади ҳаракат мунтазамлигини 93 процентга кўтарди, трамвайларнинг техник нуқсонлиги сабабли депога қайтиб келиш ҳўларини ўтган йилга нисбатан 207 мартага, меҳнат интизомини мустаҳкамлаб ишчи вақтинчи 10, кадрлар қўнимсизлигини эса 10 фонизга камайитиришдан иборатдир.

Ижарага берилди

○ «УЧҚУН» тўқимачилик-галаитерей ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективий республикамиз тўқувчилик корхоналари ва аҳолини техник дeнтлар, резиналар билан таъминлаётган ягона корхона ҳисобланади. Йилига бу ерда 35,4 миллион погон метр резина тайёрлаб, истеъмoлчиларга юборилади. Бу харидорлар ва корхоналар талабини қондира олмастлиги маълум. Шу сабабли резина ишлаб чиқариш цехи илгори усул — ижара пудратиди ишлашга ўтказилди. Янгилик тезда ўз самарасини бeрди, ҳозир кунгига бир ярим норма — 600 минг погон метр резина тайёрлашга эришилмоқда.

Эл олқиши

○ ТОШКЕНТ шаҳридаги Оқтепа массивида жойлашган маийиш хизмат кўрсатиш комплексига қарашли 11-қийим тозалаш филиалида ана шундай кишилар астойдил меҳнат қилмоқдалар. Мастура Наримова, Галина Мельникова, Санобар Аҳмедовалар кўп йиллардан бери шу даргоҳда ҳормай-томай хизмат қилиш билан биргаликда кунгига юз-юз элдин кишининг эhtiёжини қондирадилар. Ходимларнинг сидқидилдан меҳнат қилишларида, ўзларининг ширинсўзлари билан кишилар эhtiромига сазовор бўлишларида цех бошлиғи Эдуард Артемовнинг хизмати каттадир. Бу кишилар ҳозирги кунда коллектив орасида обрў-эhtiбор қозониб, ўзгаларга намуна бўляптилар. Бу ерга ташриф буюраётганларнинг қўчилиги улардан миннатдор.

М. МАҲҚАМОВА.

Ижодий сафар

○ НАВОИЙ номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри ўзининг янги маъмулида кўпгина постановкаларни томошабиларга тақдим этади. Замонавий ва классик опера, ва балет асарлари саҳналаштирилиши билан бирга, жойларда ижодий учрашувлар ўтказиш, турли кечалар уюштиришга ҳам эhtiбoр берилляпти.

Мавсум давомида коллектив чет эл гастролларида ҳам бўляди. Октябр ойида Берлин шаҳрига бoриш режалаштирилган. Германия Демократик Республикаси.

БИЛДИРИШ

Партия группасининг мажлиси соат 10.00 да бўляди. Депутатлар ўша ернинг ўзид соат 9.00 дан рўйхатга олинади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1991 йилда тараққийпарвар инсоният шоир ва мутафаккири, ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий туғилган кунининг 550 йиллигини нишонлайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мутафаккир меросининг жаҳон бадийи маданияти учун аҳамиятини ҳисобга олиб, мазкур шонли юбилейга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тadbирлари тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Республика юбилей комиссияси тузилиб, унга атоқли ёзувчилар, фан ва санъат арбоблари, жамоатчилик намоёндалари киритилди. Алишер Навоий ёдгорлик комплексининг энг яхши лойиҳаси учун конкурс ўтказиш, Самарқандда шоирнинг уй-музейини қуриш, ёдгорлик тангалари ва почта маркалари чиқариш, А. Навоий асарларининг ўзбек ва рус тилларидаги тўла тўпланини нашр этиш, «Навоий қомусномасини» тайёрлаш назарда тутилмоқда.

Москва, Ленинград, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида, иттифокдош республикаларнинг пойтахтларида А. Навоий ижодига бағишланган илмий сессиялар ўтказиш режалаштирилмоқда. Юбилей тadbирларида кeнг жамоатчилик доиралари иштирок этишади.

1994 йилнинг декабрь ойида атоқли ёзувчи, ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий туғилган кунга 100 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси, Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шонли санага бағишланган юбилей тadbирларида тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Адиблар, фан ва санъат арбоблари, жамоатчилик вакилларида иборат республика юбилей комиссияси тузилиди.

«Абдулла Қодирийнинг адабий мероси ва ҳозирги замон ўзбек романи» мавзусида Бутуниттifoқ конфe-

ренцияси, Тошкент, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида ёзувчи ижодига бағишланган театрлашган томошалар кўрсатилиши назарда тутилмоқда. Абдулла Қодирий асарлари тўплами ўзбек ва рус тилларида нашр этилади, ёзувчининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида кино ҳамда телевизион фильмлар яратилади. Ёдгорлик ҳўвли музейини ташкил этиш ва ёзувчининг энг яхши ҳайкали учун конкурс ўтказиш, шунингдек адиб асарлари қаҳрамонларининг ҳайкаллари «Фрунзе» заводида қўйиладиган. Қодирий номи бoйбoнхасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Филология факультетларининг талабалари учун А. Қодирий номи стипендия таъсис этиш мўлжалланган.

Тошкент маданият институтига, Ўзбекистон давлат педагогика институтига ва Ўзбекистон пойтахтида қурилаётган метрополитен станцияларидан бирига Абдулла Қодирий номи берилди.

Бошқа бир қанча юбилей тadbирларини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Газетаниннг шу сонига

Швейцария маданияти ҳафталиги

Шу йил 18 сентябрдан 25 сентябргача Ўзбекистон ССРда Швейцария маданияти ҳафталиги ўтказилади. Биз оқимохоларин Европадаги унча катта бўлмаган давлат — Швейцария билан боғлиқ маълумотлардан хабардор қилмоқчимиз.

Ушбу давлатнинг пойтахти — Берн шаҳри. Швейцария — республика, 23 кантонни бирлаштирган конфедерациядан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз парламенти ва ҳукуматига, ўз қонунларига эга, кeнг автоном ҳуқуқларидан фойдаланади. Мамлакат муҳим транспорт йўллари туташган ерда жойлашган. Ана шу бoиcдан ҳам у ўзининг бутун тарихи давомида сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишда катта роль ўйнаб кeлмоқда. Сановати юксак тараққий этган мамлакатда тайёрланаётган маҳсулотларнинг қарийб учдан бир қисми экспортга чиқарилади. «Броун» — «Бовери» электротехника, «Зульцер» машинасозлиги, «Сиб-Гейг» — «Хоффман Ларош» химия, «Фон Род» металлургия, «Валди» пойаб-

зал ва бошқа кўплаб трестлар жаҳон капиталистик бозорда мустаҳкам ўрни эгаллашади.

Швейцария жаҳондаги етакчи валютамонилий маркалардан биридир. Чет эллардаги Швейцария капиталларининг умумий сўммаси кишини ҳайратга соларли даражададир, тўли у 150 миллиард Швейцария франкидан ҳам ошадир.

Мамлакат экономикасида туризм катта роль ўйнайди. 1946 йили социалистик мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар тикланди. Унинг СССР билан маданий ва илмий-техника соҳасидаги алоқалари сезиларли даражада мустаҳкамланди. 1973 йили илмий-техника ва сановат-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Совет-Швейцария комиссияси ташкил этилди.

Бетарафлик сиёсати туфайли Швейцария кўпгина халқаро дипломатик учрашувлар ва турли конференцияларнинг қароргоҳига айлانган.

«СССР— Швейцария»

жамияти

«СССР — Швейцария» жамияти 1961 йил ноябрь ойида ташкил этилган. У турли хилдаги оммавий тadbирларни ўтказиш, икки мамлакатдаги илмий ва маданий ташкилотлар, корхоналар, фан, маданият ва санъат вакиллари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга ҳамкорлик қилди. Энг ийрик оммавий тadbирлардан бири иттифокдош республикалардан бири тилмoлида СССРда Швейцария йилларини ўтказиш бўлди. 1977 йили Москва ва Белоруссияда ана шундай кунлар биринчи бор ўтказилди. Кейин эса Латвия, Грузия, Украина, Ўзбекистон, Молдавия, Озарбайжон ССРда шундай кунлар бўлиб ўтди. Швейцарияда Совет Иттифоқи кунлари ҳар йили уюштирилади.

маҳсулотларини жўнатган. Швейцариядан республикамизга матбаа дастгоҳлари кeлт-тирилади, улар юстицион технологиялардан фойдаланади. Тошкент корхоналари мебеллар учун юксак сифатли фурнитуралар, ўйинчоқлар, совга буюмлари ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистон билан алоқалар

Ўзбекистон жаҳоннинг 70 та мамлакати билан мустаҳкам амалий ва маданий алоқалар ўрнатган. Швейцария шундай мамлакатларнинг биридир. Бизнинг ўлкамиз жаҳонда пахта хом ашёси тайёрлайдиган энг ийрик республикадир. Ўзбекистон толарларини етказиб бе-

риш Швейцария фирмалари учун жуда ҳам фойдалидир. Швейцария фирмалари бизнинг турли хилдаги кишини мамлакатларининг ҳам сeмб ҳарид қилинади. Масалан, Фозгондаги тошнинг қайта ишлайдиган комбинат яқинда Неневадаги Алоқа уйи пардoзи учун катта тур-



«Ойдин»да

яшовчилар учун

Қуйбўшиев районидagi «Ойдин» массиви аҳолиси яқинда умумий савдо майдони 450 квадрат метрдан иборат бўлган янги озиқ-овқат магазинига эга бўлди. Унда ишлаб турган болалар озиқ-овқати, шарбатлар, қандолат ва сут маҳсулотлари, гастронoм, ҳўжалик моллари бўлимлари ҳамшаҳарларимизнинг килма-хил товарларга бўлган эhtiёжини қондиришга хизмат қилмоқда. 10-магзинининг мазкур 5-филиали кeлгусида ўз хизмат доирасини янада кeнгайтиради. Бу ерда яқин бир йил ичида филиалга қарашли мева ва сабзавот дўкони қурилади. 800 денsoнeрга хизмат кўрсатадиган бўлим ташкил этилади.

Р. АЛИЕВ.

СУРАТДА: магазиннинг шарбатлар бўлимида.

Дейдилар, болалик келади қайтиб

Дейдилар, болалик келади қайтиб. Ешларнинг ўқсондан ўтгандан кейин. Нахотки, яшасак яллола айтиб. Нахотки, санасак қайтадан тийин! Нахотки, теракка чиқсак тирмашиб. Бир бола чумчуқнинг дардида ёниб! Ўр олма илиқни — девордан ошиб. Кучука таласак гафлатда қолди! Нахотки, қайтадан қизлар сочини Тортқилаб, пиллиги маскара қилсак! Билмасдан қорининг тўқу очини. Кийим-бош чанг-тўзон, кўчада қолсак. Нахотки, арзimas нарс баҳона, Мақтабга бормасдан ётсак аразлаб! Нахотки ақлимиз тўлади яна, Яна куй бошлаймиз ҳаётга мослаб! Нахотки, янгидан чиқса тишмиз, Янгидан бошланса ўсиш, бағоят!

Сен бахтинг излайсан...

Сен бахтинг излайсан, бахт эса қулиб, Қошимда парвона бўлиб юрди. Баъзида узоққа кетса ҳам келиб, Ёнингда мададор бўлиб турибди! Сен бахтинг излайсан, бахт эса қулиб, ^{ек} турган хонада доим муҳайе. У сенинг қалбидан, кенг макон бўлиб, Қалбидан яшайди мамнун, бесадо! Сен шўхлик қилсан, шўхлигингда ҳам Бахтингдан учқунлар сачраб туради.

1970 йилларнинг ўрталарида Ўзбек Совет Қомуси Бош хайъатида кўпчиллик «Адабиёт ва санъат қомуси» нашр этиш гоёси туғилган эди. 1980 йилларнинг бошларида келиб бу масала республика директив органлари Ўзбекистонда 8 жилдлик (800 чоп табоқдан иборат) шундай қомус нашр этиш ҳақидаги қарори билан муштабо бўлди. Қувончларимизнинг чеки йўқ эди. Чунки бундай нашр ўзбек тилида биринчи марта амалга оширилатганлиги билан

Хатто сей хонада йўқлигинда ҳам Чақирсан сен бўлиб индо беради. Ахир бахт кўсинга қадаглан гулда, Сўзлаган сўзингда, яраган дилда. Бахтинг шў! Қадрига етиб яшай бил, Бахт билан тўғилган эй гўмроҳ ўғил! ^{ен} унм нечундир кўрмайсан макон, Е унм назарга илмайсан бутун. У сенидан юз бўриб кетганда бир Армон Калбингда бўлмасин мангу бут армон!

меъморчилик, тасвирий санъат, ҳаққ амалий санъати, музика, театр, кино, маданият тарихи, археология, этнография, этика, эстетика ва ҳоказолар. Бу сўзликларда дунё адабиёти ва санъатининг энг надиғим давриларидан тортган, то бутун ҳолатигача бўлган барча муҳим масалалари йирик арбоблари, ёлдорликлари ва бошқа муаммоларини қамраб олишга ҳаракат қилинди. Чет эл, СССР ҳалқлари адабиёти ва санъати ҳақида айрим-айрим обзор мақола-

тидди. «АСҚ» мақолаларини тайёрлаш ва таҳрир этиш учун унинг муаллифлари ва муҳаррирлари махсус методик қўлланмалар, намунавий мақолалар тайёрланди. Ҳозир 20 мингдан ортиқ энциклопедик мақола ва мусобақа эмас. Бу соҳада шомша-шомларик яхши натижа берилди. Шунинг учун ҳам Бош таҳрир хайъати маъмурияти ташкилоти қомуснинг сифати учун юм кўндириш, қай-гуриш деб қабул қилиш керак. Лекин кўнглиларнинг теран туйишдан ушамалган орузнинг унсиз азоблари ишимизга жур бўлиб келатганини сезиб юрак увушди. Чунки сонинг сифатга салбий таъсирини туйганда ва уни бартараф этиш фақуллода оғирлигиндан ташқари ортиқча уриниш эканлиги ҳам яққол кўзга ташланб турганда, руҳ билан таннинг бенхитёр ўз-ўзидан бегоналашувига гувоҳ ва иқдор бўлишдан ўзга чора қолмади. Ана шунда 8 жилдлик «АСҚ»га муаллифларнинг қилишган олимларимизнинг 3 жилдлик «АСҚ»га шомшаётиганининг сабаблари нимада эканлигини ахтари бошлайсан ва ўзининг кўп қий-намай жавобини уларнинг тез-тез тақорлайдиган саволдан топасан: ЎзҚСнинг тақори бўлиб қолмайдими?

Йўқ, «АСҚ» ЎзҚСнинг тақори бўлмайди. У—ўз қиёфасига эга бўлган таъмида янги қомус. Бунга эришиш учун ўз вақтида академик К. А. Зуфаров бошлиқ Бош таҳрир хайъати ходимлари, «АСҚ» таҳрир хайъати ва муаллифлари кўп йил астойдил тириш-иб ишладилар. «АСҚ»нинг Бош муҳаррири С. О. Азизовнинг тақлифи билан қомус мундариқаси 3 жилдликдан келиб чиқиб қайта қурилди, яъни унга «Ўзбекистон адабиёти ва санъати қомуси» сифатида ёндошиб иш қурилди. Натижада ёндошиб иш қурилди. Натижада қисми мақолаларнинг аксарият қисми Ўзбекистон ҳалқлари адабиёти, санъати ва маданиятини кенг ёритишга қаратилди.

Қомус ҳозирги ҳолатида санкиз ярим мингдан ортиқ мақола ва ўз ичига олади ва ўзбек қомусонларининг маънавий талабларига қўнқарли жавоб беради. У ранг-баранг расм-бевақлар, суратлар билан бойитилди. Энг муҳими шундаки, у қомус материаллари жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган қайта қуриш, ошқоралик ва демократия эпкинларидан баҳаманд бўлган ҳолда тайёрланмоқда.

Пўлат ТўРАЕВ.

Ўзбек Совет Қомуси Бош редакциясининг адабиёт ва луғатлар редакцияси мудири.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

СУРАТЛАРДА: адабиёт ва санъат қомусининг бевақлардан намуналар.

АДАБИЁТ ва САНЪАТ



Хар дом бўлсин Кўш.

Р. Шарипов сурати.

Ёдномалар

Беқиёс истеъдод соҳиб

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» асариди ҳар бир образ тўлақонлиги билан актёрлар ижодида алоҳида ўрин тутди. Шу босдан ҳам сахна юзини кўрганга 80 йилдан ошса ҳам ҳамон театрлари-мизда севиб икром этилмоқда. Лекин шуниси ҳам борки бу образлар актёрлар талқинида турлича сайқал топади. Асардаги энг етук образлардан бири Солиҳбойдир. Ҳамза номиди академик театрида шун асар қўйил-латгандан бери Солиҳбой образи ўнлаб актёрлар ижросида ўз ифодасини топган. Аммо Ўзбекистон ССР халқ артисти Обид Жалилов ижросида ўз чўққисига чиққан эди. Албатта, бу ёлғиз менинг фикрим эмас.

1939 йил эди, «Бой ила хизматчи» қайта сах-наштирилмаган бўлди. Одатда роль тақси-моти актёрлар томонидан оранкиб кутилади. Ким арзигулик роль олишни истамайди! Ҳам-за актёрлар йиғилишида, Обид Жалилов ни-ҳоятда ҳаяжонда. Унинг қайси ролни икром этиши ҳали номаълум. Уша йиллари «Ўй-го-ни» спектаклида революционер Алексейни икром этган эди. «Бой ила хизматчи»да ҳам Степан деган шундай роль бор. Аммо у Со-лиҳбойни икром этмоқчи эди. Актёр шу оруз-си ушалай қолади деб ҳаяжонда эди. Рўй-хатда Обид Жалилов Солиҳбойни икром эт-ди, дейилганда кўздан ёш чиққанини кўрганам. Лекин бу ҳал роли икром этилди деган сўз эмас, изланишлар олдидан эди. Актёр ҳави-да ўша бойлар ҳаёти билан танилишга кўма-ка келар деб ўйлар эди. Аслини олганда Обид Жалилов кинифурруш кўйида иш-лаган унинг аруларини татиб ҳам кўрган эди. Узи тугилиб ўсган маҳалласида ҳам бой-лар оилаи у кишини кўп қизқирган, ҳатто бойлар аёлларга қандай ноҳақликлар қил-ганини кўриб, ғазабланиб юрарди.

Балки янгишарман, мен кўрган Солиҳбой-лардан Обид Жалилов бой ҳар томонлама «камолат» этган эди. Ҳали у сахнага чиқмас-данок бой қиёфасида юрак бутун бир давр кўз ўнгимизга келарди. Солиҳбой XX аср бошларида эндигина тугилиб келаватган миллий буржуа вакили, у Европада кўп ўз-ган, савдогар пахта заводи орқали бойиб бормоқда. Бу асардаги Солиҳбойни Обид Жалилов икром этганда театрларимизда баъ-зан бўлса ҳам бойларни, аниқса, тақчи қиё-фасини мукамал қилиб кўрсатиш ҳукм сурар эди. Бу актёр бундай талқинда бутунлай воз-кечиб, ҳақиқий реалистик қиёфани акс эттир-ди. Бу нарс тақчи кўринишдаёқ сезилиб ту-рар эди. Оғида амриком қовуш билан этик, эғида гоҳида хитой жузунчасидан, гоҳида бостондан тикилган тройка, устидан эса мо-вут чакмон, олтин занжирли соат, жойига қараб баъзан кўзда пенсе пайдо бўлиб қо-лади. Сопол-мўйлаб ҳам фўрум қилиб қи-риқил. Постановкачи режиссер Етим Бобо-жонов, рассом Ҳамидулла Икромов ўша давр муҳит шароитида қараб сахнани безаганлар. Яъни бой хонадонига қараб граммофон, Европа-дан келтирилган қимматбаҳо креслолар, пўлат қаравот, вазалар... Солиҳбой сахнага биринчи қадам қўйишдаёқ ва ҳарикет, ниманидир ташвишда юргани кўриниб туради, у ази-лаб пахта завоидан хабар олгани кетган, уйда хал хисоб-қитоби бор: кароли Гафурин уй-лантирган, кетган харажатларни бўйига қў-йганча йўқ, Бой фойда чиқмаса хизматкорини уйлантирмиди!

Бой ниҳоятда хотинбоз, уйдагилар камлик қилгандай, Гафур яқинида олган қайли-гин ҳам эғас бўлишга оламан. Обид Жали-лов ижросидаги бой образида Солиҳбой ўша

давр одатида кириб қолган хотинни кўпайти-риш учунгина олмайди, аёлни кўрганга кўз-лари қақнашдан хирсини қондириш ташнали-ги сезилиб туради.

Обид Жалилов сахнада майда ҳаракатга кўп ўрин бермайди. Яхлит ҳаракат билан катта фикрини аңлатар эди. Бу актёр режиссерга ўз фикрларини ўқтира олар, рол-нинг мантиқий йўналишига алоҳида эътибор бера эди. «Бой ила хизматчи» спек-такли ҳақида бўлган мунозараларда Обид Жали-лов бойнинг олий мақсади, бойлик тўплаш, деб тўғри талқин этган эди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди: Қодирқул мингбо-ши картинаси репетиция қилинмаган эди. Ре-жиссер Етим Бобожонов шаҳар ҳокими ва приставни тўғра чиқариб, қолганларни қуйи-да туришни кўрсатган эди, Обид Жалилов — Солиҳбой бойлигининг зўрлиги билан ҳоким-ларга ҳам ёқаверди, деб уларнинг ёнидан жой олди. Бу фикр мантиқ жикатидан тўғри бўлгани учун шундай қилинди ҳам. Гафурга тўхтат қилиниб, уни Сибирга жўнатиш ҳақида сўз кетар экан, Солиҳбой «Гафур ўғри» деган жумлани ҳокимга бўйруқ бергандай акс эти-ришга ҳаракат этди.

Обид Жалилов бойлар ҳаёти билан ниҳоят-да ошно бўлган, ўзи машҳур чинни сотувчи бой кўлида кўп вақт ишлаган, деб эди. У ўша замонда ҳамма нарсдан пул ҳукмрон эди. Бир бойнинг манқилини учун пул ёкиб самовар қайнатганини кўрганам дедди. Актёр ўзи яратган Солиҳбой образи орқали ўша даврнинг ижтимоий томонини оңишга ҳаракат этган эди. Бунга яна бир амал қилиб домла, қозн, элликбошлар, мингбоши сайлан ол-дан Солиҳбой тарафдор бўлишнинг айтганла-рини у «Йўқ, Қодирқул сайланмайди, мен Олимхонни мингбоши қилман» деган гапни дадил айтди.

Актёрлик санъатида «иккинчи план» терми-ни ишлатилди, яъни бир гапни гапириб, ик-кинчи фикр ўйлаб турилади, 5 аксинча бир гапни эшитиб, бошқа фикрни ўйланади. Бу Обид Жалилов яратган Солиҳбой образининг бир эпизодида яққол кўзга ташланар эди. Иккинчи кўринишда Ҳокимча билан Пошва-ойимлар кўз қириб келганликларини ва ўша-га совилликча боришга розилик сўрайдилар. Бой бу гапларни эшитар экан, унинг ҳавли бошқа ёқда экани сезилиб туради. У Жами-лонни тузоққа тушириш пиланин чизар эди. Бой ҳамма нарсани фикрида пишириб, ўри-дан салчиб турар экан: «Сабр қилинг, бир жанжалчи ишм бор. Кейин совилликча бо-рарсизлар» деганда, Жамилани оламан де-ган қарорга келади. Шу сахна Обид Жали-лов ниҳоятда ишонарли икром этган.

Атоқли драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарининг номини «Бой ила хизматчи» деб бежиз атамаган. Асар ўз номи билан ҳам катта ижтимоий масалани кўтарди. Бойлар ва хизматчилар ўртасидаги кескинлашиб кела-ётган қарама-қаршиликлар асар давомида акс этиб туради. Асарнинг номини «Гафур ва Жамил» деб аташ мумкин эди. Чунки улар бир-бирларини севадилар, воқеалар ривож-ланиб, шу икки қаҳрамоннинг бири Сибир, бири заҳар ичиб фитага дуч келадилар. Агар ўша замон бойлар замонаси бўлмаса бу икки севишганлар бахтли ҳаёт кечирган бўлардилар... Мана шу нуқтадан туриб қарал-са, Обид Жалилов нечоғли тақорланмас образ яратганига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Эшир МУҲАММАДЖОНОВ, СССР халқ артисти.



© СУРАТДА: Икки буюк санъаткор Обид Жалилов ва Шўкур Бурхонов «Бой ила хизматчи» спектаклида Солиҳбой ва Гафур ролда.

Улуғбек ёлдорлиги учун конкурс

Самарқанда қуриладиган Улуғбек меъморчилик-ёлдор-лик комплекси қандай бўлиши керак! Етаки совет архитекторларининг Оғохоннинг халқ-қаро меъморчилик фонди намо-андалари билан учрашувда шу масала муҳокама қилинди. Фонд халқ, Шарқ меъморчи-лиги аъёнлари руҳида бажа-рилган меъморчилик объект-лари қурилиш энг яхши лойи-ҳаларини рағбатлантиришни ўзига мақсад қилиб қўйган.

СУРАТДА: Р. Ризомуҳамедов (чапдан тўртинчи) ўз шогир-лари даврасида.

Самарқанда бўлиб ўтган кўша мажлисида келгуси йил-нинг бошларида ёлдорлик комплексининг энг яхши ло-йиҳаси учун халқаро конкурс ўтказишга қарор қилинди. Конкурсни икки босқичда ўт-казишга қарор қилинди. Биринчи бос-қичда гойиб қиққан бешта ло-йиҳага Оғохон фонднинг му-коротлари берилди. Иккинчи босқичда совет ва хорижий архитекторлардан иборат жу-ри голибни аниқлади. Мана шу голиб ўз лойиҳасини амал-да рўёбга чиқариш ҳуқуқини олади.

Мухаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Янги нашрлар

Нафосат қомуси



бирга, Иттифоқида ҳам шу хилдаги тўғиш қомус бўлиши ке-рак эди. Москва қомусчилари, бошқа республикалардаги ҳам-қомусчилари адабиёт ва санъатининг барча соҳаларини ўзида му-жасам этадиган омухта универ-сал қомусни фақатгина оруз қи-лардилар. Улар бизни табриқлаш-ди, ишмизини маъқуллашди, му-ваффақиятлар тилашди. «АСҚ» гоёси, мундариқаси, шакли улар-га жуда маъқул бўлди. Ҳатто мос-қилик ҳаммасларимиз: «Агар шундай қомус яратсангизлар, биз уни рус тилига таржима қиламиз», дейишди.

Биз ишга шўғиб кетдик. Рес-публикамизда олий ўқув юрталри-нинг, ижтимоий фанлар илмий тадқиқот институтларининг ходим-лари, йирик олимлар, мутахассис-лар адабиёт ва санъат арбоблари, журналистлар ёрдамга қақри-либ, ҳаш-паш дегунча қомус сўз-ликлари (соҳалар бўйича мақола-лар рўйхати) тузилди. Улар қуйи-дагилар: адабиётшунослик, тилшу-нослик, халқ оғзак ижоди, Ўзбек адабиёти тарихи, Ўзбек совет ада-биёти, СССР халқлари адабиёти, Шарқ адабиёти, Ғарб адабиёти, матбуот, радио ва телевидение.

лар, йирик намоёндалар ҳақидаги биографик маълумотлар «АСҚ»-дан жой олиши мўлжалланди. Энг муҳими, шу томони билан ўзи-га хос эди-ки, ҳар бир адабиёт, санъат ва маданиятнинг ривож-и ёки маълум бир арбобнинг ҳаёти, ижоди Ўзбекистон билан қай да-ражада алоқадорлигига, албатта, алоҳида эътибор берилиши кўзга тутилган. Муайян бир атома, ёлдорлик, обид ва ҳоказолар ҳа-қидаги мақола ва ўзининг кўп қи-рулар, муаллифлар олдида талаблар кў-йилар эди.

Умумий шаклдаги, яъни мамла-катлар, маданият-тарихий жойлар, обидлар, шаҳарлар, халқлар, иттифоқдош ва автоном респу-бликалар адабиёти ва санъати ҳа-қидаги обзор мақолалар, шунинг-дек адабиёт ва санъатнинг кўп соҳалари учун муштарак бўлган муаммолар, атамалар ҳақидаги назарий мақолалар ҳам имкони бўрича Ўзбекистон билан боғлаб тайёрланди. Ҳар бир сўзликни-ги атома ва тўшунчалар соҳа ичи-да муайян тартибда берилди. Ма-қола номи ёнида унинг эзоҳи кел-тирилди, ҳажми қанча бўлиши, бевақлар, грамматик ва бош-қалар билан илҳозланиши кўрс-

Қувончбахш туйғулар хавотир билан алмашинди. 1980 йилларнинг ўрталарида қомусга муносабат ўзгарди: «АСҚ»ни 6 жилдда нашр этиш мақсада мувофиқ деб топилди. «Қомус маблагталаб нашр, қозғос кам, сотиш қийин» қаби баҳоналар билан иш пайсал-га солинди. Бир йил ўтиб-ўтмай «АСҚ» 3 жилдда нашр қилинган, деган қарор чиқди. Шундай қи-либ 8 жилдлик «АСҚ» 3 жилдга тўшиб қолди. Муаллифларнинг ишдан қўнгли совуди. Умуман бундай қомуснинг чиқишига ишончлари йўқола борди. Муал-лифларини опатиш, илпонтирш, ишга қайта жалб қилиш, илҳом-лантириш анча қийин бўлди. Иш сусайиб кетди. Биздан анча кейин иш бошлаган белоруссиялик ҳам-қасбларимиз шундай қомусни 5 жилдда алақачон нашр қилиб тугалашди. Биздан йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар олиб ишга кириш-ган тожик биродарларимиз бун-дай қомуснинг 1—2-жилдларини нашр этиб улгуришди. Холубки, улар бизга, сизлар биринчиларси-деб ҳавас билан қарашган эди-лар. Биз эса қомуснинг биринчи жилдини эндигина нашрга тайёр-ладик. Адабиёт редакциясида 2 ва 3-жилд материаллари таҳрирдан

Санъатнинг сеҳрли олами

Ўтган кунлар садоси

Рўпарамдаги суратдан узок кўз узолмайдик. Унга қанча кўп тикилганми сари халлар гирдобига шунчалик чўқирдик. Негат! Лекин аниқ жавобини тополмайам.

...Отлик асарлар тўқнаш-ви... Қиличлар ҳаранги, кўкка сапчинган тулпорларнинг жон аччиғида кишиларни эшитил-гендек туюлади менга. Қумлик-лар астибди ётибди. Узокдан ҳашаматли, баланд — уй кўзга ташланади. Бу бино кўзимиз ўрганиб қолган тарихий бино-ларга ўхшамасди. Ҳозиргилар-га ҳам. Қайси юртининг, қайси халқнинг меъморчилиги бу!

— Бу асарда... дейди муал-лиф Раҳим Ризомуҳамедов. — «Муқанна жанги» акс эт-тирилган. Тарихда у «Оқ ки-имликлар жанги» деб атала-ди. Араб истилосигача ўлка-мизда ривожланган меъморчи-лик ҳозиргилардан тамоман фарқ қилган. Сиз кўриб тур-ган бу бино «Ваҳша» деб ном-ланган. У меъморчиликнинг бир кўриниши.

Тарих ҳақидаги сўзлар бу-гун тасвирга айланди. Ватан ҳимоячиларининг шу бир лаҳ-задаги ҳис-туйғу ва ўй-хаёлла-рига қайта жон битгандек.

шай келишганликлари ҳақи-да хикоя қилиди. ...Моавий тўмбалар, кўкка тўташ миноралар, улар учига илгинган тўлиқ ой. Иби Сино ва Беруний оининг тўтилиши ҳақида фикрлашмоқда. Кишини тарихи ҳиссиёт, гурур қамрай-ди. Утишдан келаватган сирли ва нури сад суратларга кўчгандек.

Р. Ризомуҳамедов асарла-рини уч туркумга бўлиш мум-кин. Биринчиси: 1974 йилдан



Раҳим Ризомуҳамедов ус-тахонасидаги «Ойнинг тўтили-ши», «Аҳмад Фарғоний иш устида», «Кўш тўтилиши» қаби асарлари халқимиз саё-ралар билан қадимдан сирла-

— Сизни қийнаётган яна қандай муаммолар бор! — Қайси бирини айтас! — Энг ачинарлиси миллий қад-рларнинг камлиги. Рассомчи-лик санъатини қадимий аъна-заминида ривожлантиришимиз зарур.

Тасвиримизда кубизм, аб-стракционизм пайдо бўлди. Ҳунармандлар геометрик фигураларда акс эттирувчи Пабло Пикассо, Реналдо Гуттузо ва турли абстракци-

лар орқали ўз фалсафасини ифодаловчи санъаткорлар ҳам-мамизга маълум. Уларнинг асарларини заёқ билан томо-ша қиламиз, ўрганамиз, Аммо Ўзбек рассомчилигини та-моман шу йўналишда давом эттириш, назаримда, аъна-замизга мос келмайди. Бизнинг бутун санъатимиз аниқликка асосланган.

Р. Ризомуҳамедов Тошкент театр ва рассомчилик санъати институтида ўқитувчи. У Бу-хоро, Самарқанд, Хива ва бош-қа қадимий шаҳар-қишлоқлар-га қайта-қайта борди, улар-ни ўрганди. Қишлоқ ҳаётига доир манбелар йиғди. Нати-жада «Сайловлар», «Интизор-лик», «Самарқанда янги ҳуку-мат» қаби асарлари дунёга келди. Р. Ризомуҳамедов бу йилги савҳатини бир гурпуа шогирдлари билан Сурхон-дарёнинг Серосиё районида ўтказди.

Устахонага кирсангиз сурат-ларга тикилганча халқларга бо-тасиз. Ўтган кунларимизнинг ўзига хос бетакор садосини эшитасиз. Юртимиз, халқимиз тарихи ҳақида ўйга толасиз. Қалбимиз нимадандир гурур-га тўлади, кейин нимадандир ўксингандек бўласиз...

Компла СУЛТОНОВА.

СУРАТДА: Р. Ризомуҳамедов (чапдан тўртинчи) ўз шогир-лари даврасида.

